

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САНОЕВА МАТЛЮБА ЖАҲОНҚУЛОВНА**

**АСОРАТЛАНГАН МИГРЕН РИВОЖЛАНИШИННИГ КЛИНИК,  
ГЕМОДИНАМИК ВА БАЪЗИ БИР БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Саноева Матлюба Жахонқуловна**

Асоратланган мигрен ривожланишининг клиник- гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, диагностика ва даволаш тактикаси масалалари ..... 3

**Саноева Матлюба Жахонкуловна**

Клинико-гемодинамические и некоторые биохимические особенности развития осложнённых форм мигрени, вопросы диагностики и лечебной тактики ..... 33

**Sanoeva Matlyuba Jaxonkulovna**

Clinical, hemodynamic and some biochemical features of the development of migraine's complicated forms, issues of diagnosis and treatment tactics.. 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САНОЕВА МАТЛЮБА ЖАҲОНҚУЛОВНА**

**АСОРАТЛАНГАН МИГРЕН РИВОЖЛАНИШИНинг КЛИНИК,  
ГЕМОДИНАМИК ВА БАЪЗИ БИР БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib234 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи**

**Сайдвалиев Фаррух Сайдакромович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Маджидова Яқутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бобоев Абдуқодир Тўхтабоевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**University of Health Sciences, Istanbul, Turkey**

Диссертация химояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани Паркент кўчаси 51-йй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44); e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz))

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани Паркент кўчаси 51-йй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** ЖССТнинг маълумотларига кўра «мигрен инсоннинг ижтимоий мослашувини бузувчи йигирмата асосий сабабдан бири хисобланади ва даволанишга комплекс ёндашувни талаб этади. Мигрен билан оғриган аёлларнинг 85 фоизи, эркакларнинг 82 фоизи ҳаёт сифати пасайишидан шикоят қиласди»<sup>1</sup>. У меҳнатга лаёқатсизлик ва жиддий дезадаптацияга олиб келадиган касалликлар орасида 19-чи ўринни, аёллар орасида эса дастлабки ўнталил рўйхатини, 14,4 фоиз кўрсаткич билан аниқ сабабли 289 касаллик орасида учинчи ўринни эгаллади. Мигрен умумий аҳолининг 13 – 15 фоизи (1 млрд)ни қамраб олади ва Европада 13,8 фоиз, АҚШда 14,0 фоиз, Россияда 20,8 фоиз (29 млндан ортиқ) беморда учрайди. GBD-2015 таҳлилларига кўра, мигрен дунё аҳолисининг турмуш сифати (TC)ни пасайишига олиб келувчи 10 та етакчи тиббий сабаб орасида 6-ўринни, ишемик инсультнинг авж олиши бўйича 4-ўринни эгаллади<sup>2</sup>. Шу билан бирга, мигрен нафақат бош оғрифи, балки бош мия томир хасталиги, ўткир ҳамда сурункали ишемиясига олиб келувчи ягона ва мустақил хавфли омил хисобланади.

Жаҳонда бош оғрифи (БО) ҳамжамиятининг таҳлилига кўра, мигрен бирламчи хасталик бўлиб ёшлилар орасида кейинги 10 йил ичидаги тобора кўп учрамоқда ва унинг клиник-патогенетик структураси ҳамда даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мигрен сабаб ривожланадиган жиддий бош мия томир асоратлари, мия ишемияси клиник кечишининг неврологик, гемодинамик нейрофизиологик ҳамда нейровизуал хусусиятларини таҳлил қилиш, хасталикнинг молекуляр-генетик асосини ўрганиш, қиёсий ташхислаш ва даволаш алгоритми ҳамда мия ишемияси эҳтимолини олдиндан баҳолаш мезонини яратиш, асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, асаб касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш орқали унинг асоратларини камайтириш «... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммаболигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифа асоратланган мигрен хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштиришда тиббий хизмат кўрсатиш

<sup>1</sup>World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>, 2018.

<sup>2</sup> Global, regional, and national incidence, prevalence, and years lived with disability for 310 diseases and injuries, 1990–2015: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2015.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

даражасини замонавий технологияларни қўллаш орқали янги босқичга кўтариш ва ахолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракаталар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

#### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.**

Асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалалари жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Toronto (Канада); Research Representative (UK); Schleswig-Holstein (Германия); Ohio State University (АҚШ); Harvard Medical School (АҚШ); Helsinki University (Финляндия); Nanjing University; University Cheng Kung; University Beijing; University Zunyi; Fudan University (Хитой); University of Ulsan (Жанубий Корея); Aarhus University; University Innsbruck Austria (Австрия); All India Institute of Medical Sciences (Хиндистон); Tehran University (Эрон); Tel Aviv University (Исроил); Charite-Medical University of Berlin (Германия); Heidelberg University (Германия); University of Oxford (Англия); Hacettepe University (Туркия); University of Basel (Швейцария); Loyola University (Чикаго, АҚШ); University of Yonsei (Жанубий Корея); University of Guadalajara (Мексика); Complutense University of Madrid (Испания); Бош оғриқ маркази (Россия Федерацияси); Бухоро Давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалаларини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: мигрен хуружида нерв толасининг декомпрессияси амалга оширилган ва 94 фоиздан ортиқ самарадорликка эришилган, Ohio State University (АҚШ); асоратланган мигренning гормонал номутаносиблика эгалиги ва диагностик мезонга кўра 17,6 фоиз аёл ва 6

<sup>4</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи [www.uottawa.ca](http://www.uottawa.ca); [www.skifos.ru](http://www.skifos.ru), [ifnmu.edu.ua](http://ifnmu.edu.ua), [www.english.us.edu.pl](http://www.english.us.edu.pl), [www.keio.ac.jp](http://www.keio.ac.jp), [www.uksh.de](http://www.uksh.de), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.fudan.edu.cn](http://www.fudan.edu.cn), [www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca); [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br); [www.fimmu.com](http://www.fimmu.com); [www.en.csu.edu.cn](http://www.en.csu.edu.cn); [www.cu.edu,eg](http://www.cu.edu,eg); [www.gu.se](http://www.gu.se); [www.ku.dk](http://www.ku.dk); [www.ifnmu.com](http://www.ifnmu.com), [www.helsinki.fi](http://www.helsinki.fi), [www.tma.uz](http://www.tma.uz) сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

фоиз эркаклар орасида тарқалғанлиги аниқланган (International Health Society, АҚШ); мигрен оқибатида бош мия локал гипоксияси ва инсултнинг ривожланиши асосланган, University of Brescia (Италия); аурали мигренда контрацептив дори воситаларининг инсулт ривожланишидаги муҳим аҳамияти исботланган University of Trondheim (Норвегия); мигрен касаллиги қон ивишини кучайтириб ишемик инсулт ривожланиш хавфини икки баравар ошириши аниқланган University of Loyolo (Чикаго); мигрен касаллигининг профилактикасида аҳоли ўртасида сифатли турмуш тарзи, стрессли вазиятни бартараф этиш, триггер-маҳсулотларни чеклаш алоҳида аҳамиятга эгалиги исботланган, University of Herbev (Исройл); эпидемиологик таҳлил асосида аҳоли орасида қандли диабет ва бронхиал астма каби айрим оғир сурункали касалликларга нисбатан мигрен кўпроқ учраши исботланган, University of Basel (Швейцария); мигрен билан оғриган беморда одам генетикасини чуқур ўрганиш даволашнинг патофизиологиясига муваффакиятли асос солиши асосланган, University of Oxford (Буюк Британия); SCN1A, SLC1A3 ген бўйича олинган ижобий натижа мигреноз хуруж интенсивлиги ва шаклланиш босқичида триптанлар билан даволашнинг патогенетик механизми ишлаб чиқилган, University of Charite-Medical (Германия); бош мия томир аномалияси сабаб ривожланадиган мигренда консерватив даво муолажасининг самарасизлиги исботланган, University of Yonsey (Жанубий Корея); асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалалари батафсил ёритилган, Бухоро Давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

Бугунги кунда дунё неврологлари ҳамжамияти асоратланган мигренда бош мия ўткир ва сурункали томир ишемияси ривожланишининг клиник-патогенетик таркибини ўрганишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишда тадқиқотлар олиб бормоқда: асоратланган мигрен шакллари кечишининг клиник-неврологик ва нейровизуализацион хусусиятларини асослаш; гемодинамик ва нейрофизиологик ўзгаришларни патогенетик таҳлил қилиш; ССКАР, NOTCH-3, MTHFR генларининг полиморф турлари мисолида асоратланган мигрен шакллари ривожланишининг молекуляр-генетик асосларини ўрганиш; мигренда шаклланадиган ўткир ва сурункали томир асоратларини олдиндан баҳолаш усулини жорий қилиш; қиёсий ташхислаш ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мигрен ривожланишида муаммонинг наслий табиати бутун дунё олимлари эътиборини жалб қиласи. Тадқиқотлар натижасида ушбу хасталик билан оғриган онада 72 фоиз, отада 30 фоиз, ота-онада намоён бўлганида эса 80 – 90 фоизгача мигренга мойил бола туғилиш хавфи эътироф этилади (Chabriat H. et al., 2009; Tietjen G.E. et al., 2009; Табеева Г.Р., 2017; Скворцова В.И. и др., 2017). K.D. Juang ва ҳаммуаллифлари (2014) мигренга чалинган беморлар қонида серотонин метаболизмини ишдан чиқарувчи полиморфик ген ташувчи (5-HTTLPR)ни

аниқлаган. Хасталикнинг генетик устуворлиги International Headache Genetics Consortium (IHGC)да айтиб ўтилган ва 2010 йилда биринчи маротаба мигрен билан оғриган 5122 аёлнинг ДНК намунаси GWAS (Genome Wide Association Study) популяцион тадқиқотида ўрганилган. E.Eising ва ҳаммуаллифларининг (2016) мигренга молекуляр-генетик ёндашуви IHGC асосида ўтказилган GWAS илмий текшируvida ўз ифодасини топган. Кейинчалик ватандошимиз Ҳалимова Ҳ.М. ҳаммуаллифлари ёрдамида (2016) металлопротеиназа (MMP3, MMP9), қон томир эндотелияси ўсиш омили бўлмиш А (VEGF G-634C) ҳамда базал мембрана патологиясини кўрсатувчи Col4a1 коллаген генлари мутациясининг ўзаро боғлиқлиги, унинг эвазига томир аномалиялари шаклланиб мигрен келиб чиқишини исботлаб берган. Y. Yücel ва ҳаммуаллифлари (2016) серотонин рецепторига мойил 5-HT1A, 5-HT1B, 5-HT2A, 5-HT2C генлар полиморфизмининг боғлиқлигини ўрганиб чиқкан. Хитой олимлари томонидан мигрен билан оғриган беморларнинг тушкунликка тушиши, безовталик ва ўта бетоқатликка мойиллиги исботланган (Headache, 2018). Бундан ташқари ушбу хасталик умумий аҳоли сонига нисбатан кўпроқ когнитив бузилишга, айниқса хотира, эътибор ва маълумотни қайта тиклаш тезлигининг пасайишига олиб келиши аниқланган (De Araujo C.M, Barbosa I.G, Lemos S.M.A, et al., 2012; Costa A. et al., 2015). Кагорт тадқиқотлари ва the Women’s Health study (2017) текшируvida мигреноз хуружининг тезлиги ва узайиши ишемик инсульт (ИИ) ривожланишининг нисбий хавфи (HX)ни 10 бараварга ошириши аниқланган. Баъзи маълумотлар аурали ва аурасиз кечадиган мигрен мияда энцефаломаляция ўчоғларининг шаклланиш сабаби вазодилатация ва гипоперфузия (Kapinos G., Fischbein N.J., Zacharchuk G., 2010), бошқалари вазодилатация ва гиперперфузия (Relya G., Granato A., Ukmor M. et al. 2005)да бўлишини таъкидлайди, аммо икки ҳолатда ҳам аурали мигрен устуворлиги кўрсатилади. Озарбайжонлик олим Р.Й. Абдуллаев (2018) фикрига кўра «мигреноз хуруж церебрал гемодинамика аурасиз мигренда вазоспазм ҳолати ва аурали мигренда вазодилатация ҳолати ҳамда иккала ҳолатда ҳам ташқи уйқу артерияси қон тўлишиш белгиси билан кечади». Муаллифлар С.Е. Семенов ва М.В. Шумилина (2015) мигрен ривожланиш сабабини веноз қон томирларида қон айланишининг бузилиши билан боғлади.

Республикамизда сурункали мигрен эпидемиологияси ва клиник кечишининг хусусиятлари Б.Г.Гафуров (2009), болалар мигренида имунологик хусусиятлар Ё.Н. Маджидова ва ҳаммуаллиф Д.А. Алиджанова (2019), цефалгик синдром ривожланишида генетик омил ва ангиодисплазия роли Р.Ж.Суннатов (2013), Ҳ.М.Халимова ва М.М.Якубова (2014), мигрен ривожланишида бош мия томирлари ва эндотелийси аномалиясининг аҳамияти Рахматуллаева Г.К.б (2018)нинг илмий ишларида кўрсатиб ўтилган.

Гарчи мигрен муаммоси асрлар давомида тадқиқотчи ва олимлар эътиборини жалб қилган, йиллар давомида олиб борилган илмий иш ва

популяцион текширувлар натижасида хасталик клиникаси, даволаш услуби, ташхислаш тамойиллари борасида минглаб янгилик кашф этилган бўлсада бугунги кунда касаллик ривожланиш патогенези, дифференциал ташхислаш, ва асоратларни даволаш муаммолари охиригача ечилмай қолмоқда. Касаллик профилактикаси фақат илмий томондан эмас, амалий жиҳатдан ҳам ҳали ҳануз оқсайди. Бундан ташқари мигрен ва унинг асоратланган шаклларида кечадиган бош мия биоэлектрик, гемодинамик, нейропсихологик, структур, молекуляр-генетик ўзгаришлар олимлар орасида кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Боз устига асоратланган мигрен шаклларини ташхислаш ва даволаш алгоритми масаласи ҳозирги кунгача бўшлиқларга лиммо-лим. Айни пайтда мигрен ва асоратларнинг ривожланишида катта аҳамиятга молик ССКАР, МТНФР, NOTCH-3 генлар полиморфизми ҳанузгача ўзбек аҳолиси ичида ўрганилмай қолмоқда. Санаб ўтилган бўшлиқлар ушбу илмий ишни амалга оширишга туртки бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқотлар иш режасига мувофиқ 01.2018 DSc.018. «Цереброваскуляр касалликлар клиник кўринишларини ўрганишда замонавий ёндашув, ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини Бухоро вилояти шароитида такомиллаштириш» (2014-2018 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мигреннинг асоратланган шаклларини клиник-нейрофизиологик, гемодинамик, молекуляр-генетик ва нейровизуаллашга асосланган дифференциал ташхисоти ва даволаш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

асоратланган мигрен шаклларининг клиник, неврологик, нейропсихологик, когнитив ва нейрофизиологик хусусиятларини баҳолаш;

асоратланган мигрен шаклларида гемодинамик ва нейровизуал ўзгаришнинг ўзига хос сифат ва миқдорий хусусиятини аниқлаш ва олинган натижаларни асоратланмаган мигрендаги маълумотлар билан таққослаш;

асоратланган мигренда олинган клиник, неврологик, нейропсихологик, гемодинамик, нейрофизиологик хусусиятларни ўзаро корреляцион боғлиқлигини баҳолаш;

касалликни олдиндан аниқлаш мезонини яратиш учун мигреннинг асоратланган шаклларида дифференциал ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ўзбек популяциясида баъзи генлар (МТНФР, ССКАР, NOTCH-3) молекуляр-генетик полиморфизмининг мигрен ва унинг асоратланган шакллари билан боғлиқлигини баҳолаш;

ўзбек популяциясида МТНФР, ССКАР, NOTCH-3 генлар полиморфизмининг аурали ва аurasiz мигрен билан боғлиқлигини асослаш;

мигренда ўткир ва сурункали бош мия ишемияси шаклланишининг олдиндан аниқлаш усулини ишлаб чиқиши;

мигрен асоратланган шаклларининг дифференциал терапия алгоритмини жорий этиши.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2014-2018 йиллар давомида Бухоро вилояти кўп тармоқли клиник касалхонаси, Республика тез тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Бухоро филиали ва «Бухоро тиббий-фармацевтик хизмати» хусусий клиникаларида мигренning турли шакли билан касалланган 370 нафар бемор ва назорат гуруҳига 65 нафар шартли соғлом инсон олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** веноз қон, гемодинамик, нейровизуализацион, нейрофизиологик текширув натижалари, ДНК намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик, инструментал, молекуляр-генетик, нейровизуал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

илк бор мигрен асоратланган шаклларининг клиник, нейрофизиологик, нейровизуал, гемодинамик ва молекуляр-генетик хусусиятлари аниқланган;

асоратланган мигрен шакллари: мигреноз ҳолат, сурункали мигрен, мигреноз инсульт ва мигреноз энцефалопатияда бош мия когнитив фаолияти бузилишининг шаклланиш механизми исботлаб берилган;

мигренда бош мия томирларининг сифат ва микдорий хусусияти, реактивлиги, ауторегулятор ва резерв ҳолати таҳлилига асосланган томир асоратларини олдиндан аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сурункали мия ишемияси ривожланишида мигренning роли исботланган ва олинган натижа асосида мия ишемиясини олдиндан аниқлаш усули жорий этилган;

илк бор ССКАР гени (T779C) rs1800857 полиморфизми, NOTCH-3 гени (G684A) rs1043994 полиморфизми ва MTHFR гени C677T полиморфизмининг ўзбек популяциясида мигрен хамда унинг асоратли шаклларининг ривожланишидаги роли исботланган;

ССКАР, NOTCH-3, MTHFR генлари турли генотипи билан аурали ва аурасиз мигренning ривожланиш ассоциацияси аниқланган;

клиник, неврологик, гемодинамик, нейровизуал текширувлари таҳлилига асосланган мигреноз инсультни даволашнинг қиёсий усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

клиник, нейрофизиологик, нейровизуал, генетик кўрсаткичларни таққослаш асосида мигрен асоратининг турли клиник ва этиопатогенетик хусусиятлари баҳоланган;

мигрен билан хасталangan беморларни етарлича давомий динамик кузатиш асосида бош мия структур ўзгаришининг шаклланиши ва авж олиши мезонларини эрта аниқлашга имкон берадиган омиллар белгиланган;

беморларни ташхислаш бўйича мавжуд дастур таҳлили асосида умумий амалиёт шифокори ва неврологлар учун мигрен асоратларини эрта ташхислаш ва дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

кучайиб кетувчи мигреноз хуружнинг профилактикаси, ўткир бош мия инфаркти шаклланиши, сурункали церебрал ишемия, бош мия чуқур томирдегенератив ўзгаришига олиб келувчи юқори хавфга эга бўлган омилларни эрта босқич даврида олдиндан аниқлаш ва ташхислаш имконини берувчи неврологик илмий-текшириш маркази ҳамда стационар ва амбулатор шароитда кенг кўламда қўлланиладиган комплекс сифат ва миқдорий нейрофизиологик, нейровизуал ва лаборатор текширув усуллари илк маротаба амалиётга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, bemorlar сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, инструментал, молекуляр-генетик, нейровизуал ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикасини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хulosha, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти мигреннинг асоратланган шаклларини ташхислашда дифференциал ёндашув, ўткир ва сурункали қон-томир ишемиясининг прогностик меъзонларини ҳамда қиёсий, оптималлаштирилган даволаш муолажаларини амбулатор, неврологик стационар ҳамда илмий-тадқиқот марказлари шароитда эрта даврда кенг қамровли жорий қилиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти амбулатор ва стационар шароитда бош мия томирларининг гемодинамик, нейрофизиологик, нейровизуализацион текширувлари ҳамда стандарт ПЦР ёрдамида ССКАР, NOTCH-3, MTHFR генларининг полиморф вариантларини аниқлашни жорий этиш, мигреннинг асоратланган шаклларини эрта қиёсий ташхислаш, ишлаб чиқилган башоратлаш мезони асосида ўткир ва сурункали мия ишемиясини олдиндан аниқлаш, шунингдек, дифференциал даволаш чора тадбирларини такомиллаштириш орқали амалга оширилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалаларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Асоратланган мигрен шаклларини экспресс ташхислаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/143-сон маълумотномаси). Натижада ташхислаш жараёнини

тезлаштириш, даволаш давомийлигини қисқартириш ҳамда мигренга чалингандар миқдорини камайтиришга эришилган;

«Асоратланган мигрен шаклларни қиёсий даволаш алгоритми» услугий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/143-сон маълумотномаси). Натижада ташхислаш жараёнини тезлаштириш, даволаш давомийлигини қисқартириш ҳамда мигренга чалингандар миқдорини камайтиришга эришилган;

«Асоратланган мигрен шаклларини ташхислаш алгоритми» услугий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-д/191-сон маълумотномаси). Натижада қиёсий ёндашув асосида асоратланган мигрен шаклларини аниқ ва тезкор ташхислаш, даволаш самарадорлигини яхшилашга эришилган;

асоратланган мигрен шакллари ривожланишининг клиник-гемодинамик ва биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалаларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Сирдарё вилоят шифохонаси, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи шифохонаси, Янгиер, Навоий ва Бухоро шаҳар тиббий бирлашмаларининг амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-з/159-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мигрен ва унинг асоратланган шаклларини қиёсий ёндашув асосида аниқ ва тезкор ташхислаш, даволаш давомийлигини қисқартириш, самарадорлигини ошириш ҳамда мигрен асоратлари ривожланишининг олдини олишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 3 та ихтиро патенти тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АССОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмida диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мигреннинг асоратланган шаклларини ташхислаш ва даволашга янгича ёндашув**» деб номланган биринчи боби беш бўлимдан иборат бўлиб, мигрен асоратланган шаклининг ривожланиш сабаби, патогенези, ташхислаш ва даволашга доир маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар хулосасининг илмий асосланган таҳлили, мавжуд ташхислаш усусларининг афзалик ва камчилиги назарий таҳлил қилинди, шунингдек муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиласидаган томонлари кўрсатилди.

Диссертациянинг «**Мигреннинг асоратланган шаклларини баҳолаш материал ва усуслари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материал ва усуслари кўрсатилган, бунда тадқиқотда иштирок этган bemорларга тавсиф берилган, шунингдек, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуслари келтирилган. Илмий тадқиқот ишини олиб бориша мигреннинг турли шакли билан оғриган 370 нафар bemор иштирок этган бўлиб, улар кўп тармоқли вилоят клиник касалхонаси, Республика тез тиббий ёрдам илмий-амалий марказининг Бухоро филиали ва «Бухара МФС» хусусий клиникасида стационар ва амбулатор шароитида даволанган. Текширилганлар Халқаро бош оғриги таснифининг 3-кўриниши (2018) га асосланиб икки гуруҳга ажратилган, асосий гуруҳни мигреннинг асоратланган шакллари билан оғриган 285 нафар (77,0 фоиз), қиёслаш гуруҳини эса мигреннинг асосланмаган шакллари (МАШ) билан касалланган 85 нафар (23,0 фоиз) bemор ташкил этган. Ундан ташқари лаборатор таҳлилни таққослашда 65 нафар шартли соғлом кишидан иборат назорат гурухи танланган. Асосий гуруҳга ўртача ёши  $32,6 \pm 0,96$  бўлган 79 (21,4 фоиз) нафар мигреноз статус (MS) билан,  $32,8 \pm 0,89$  бўлган 82 (22,2 фоиз) нафар сурункали мигрен (СМ) билан,  $37,5 \pm 1,2$  бўлган 53 (14,3 фоиз) нафар мигреноз инсульт (МИ) билан ва  $44,6 \pm 0,75$  бўлган 71 (19,2 фоиз) нафар мигреноз энцефалопатия (МЭ) билан оғриган bemорлар ташкил этди. Қиёслаш гуруҳида bemорларнинг ўртача ёши  $28,2 \pm 0,9$  бўлиб, 8 нафар (9,4 фоиз) базиляр мигрен, 14 нафар (17,7 фоиз) ретинал, 54 нафар (63,5 фоиз) оддий ва 24 нафар (28,2 фоиз) классик мигрен кузатилди. Тадқиқотда иштирок этган bemорларда клиник, неврологик, нейропсихологик, когнитив, нейровизуал, нейронур ҳамда молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказилди. Кундалик меҳнат фаолиятига мигреннинг таъсири ва касаллик кечиш даражасини аниқлашда, ҳамда тавсия этилган даволаш чорасининг сифатини баҳолашда MIDAS шкаласи, ID-migraine сўровномаси (EHF, 2015)дан фойдаланилди. Бош оғриги интенсивлигини баҳолаш учун оғриқнинг уч ўлчамли шкаласи қўлланилди: рақамли рейтинг шкаласи (NRS), вербал рейтинг шкаласи (VRS) ва визуал аналог шкаласи (VAS), ҳамда олинган натижа чехрада оғриқни тасдиқловчи расмли шкала (FSC) билан таққосланди. Нейропсихологик таҳлил Гамильтон (HDRS-21, НАМ-А)


шкаласи ёрдамида олиб борилди. Мигреноз инсультли беморларда неврологик танқислик даражаси Скандинавия ва Америка (NIHSS) шкалалари орқали ҳамда онг ҳолати Глазконинг кома шкаласи ёрдамида текширилди. Когнитив фаолликни аниқлаш учун М.П. Кононова, корректура намунаси (Durchstreich – Test), Крепелиннинг ҳисоблаш, Шулт жадвалининг маълумотни қайта тиклаш тезлиги усулларидан фойдаланилган ҳолда диққатнинг ҳажми, турғунлик даражаси, жамланиши, тақсимланиши, бўлиниши, тарқоқлиги баҳоланди. Mini-Cog тести асосида учта кетма-кет келадиган топшириқ орқали қисқа муддатли хотира, “оператив хотира” усули орқали узок муддатли хотира ўрганилди. Бosh мия ва унинг томирлари ҳолатини аниқлашда контрассиз МРТ, МРА («Siemens Magnetom Essenza», Германия, 1,5T), УТДГ (ультратовуш допплерография), ТКДГ (транскраниал допплерография), ТС (триплекс сканирлаш) («Kransbuchler», «LOGIDOP-4», Германия) ва ЭЭГ (электроэнцефалография) (16-каналли «Нейрософт», Россия) текширувлари ўтказилди. Молекуляр-генетик таҳлил ДНК ажратиш, гель-электрофорез, ПЦР-ПДРФ усуллар орқали баҳоланди. Лаборатория тадқиқоти Ўзбекистон Руспубликаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги илгор технологиялар марказида ўтказилди. Тадқиқот натижалари статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг Microsoft Office Excell-2012 амалий дастур мажмуасидан фойдаланилди.

**«Мигреннинг асоратланган шаклларининг клиник кечиш хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида мигреннинг асоратланган шакллари билан касалланган беморларда сабаб-оқибат омили, ирсийлик даражаси, клиник-неврологик, психоэмоционал ва когнитив ҳолат ёритилган.

Мигрен асорат шаклларининг патогенетик таҳлили полиэтиологик ва полиморфизмга эга бўлган сабаб-оқибатни тасдиқлади. Мигреннинг асоратланган ва асоратланмаган шаклида экзоген омил (стресс ҳолати, ўткир ҳид, ёруғлик, баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари, шовқин, метеоомил, жисмоний юклама, спиртли ичимлик ва ҳоказо) хуружни бир хилда қўзғатса, мигреннинг қон-томир хасталиги эвазига шаклланган асоратларида (сурункали мигрен, мигреноз инсульт, мигреноз энцефалопатия) эндоген омил (гормонал ўзгариш, катаменал омил, дори-дармонни ножӯя ёки бевақт истеъмол қилиш, унга резистентлик, контрацептив восита) устивор бўлиб унинг шаклланиши ҳамда кечишининг оғирлашувига сабаб бўлди ( $P<0,01$ ). Мигреноз статус ва мигреноз инсульт билан оғриган беморларда контрацептив восита нисбатан оғир ва давомий мигреноз хуруж ҳамда бosh мия ўткир гипоксиясининг ривожланиш эҳтимолини кучайтирди ( $P<0,001$ ).

Ирсий омил таҳлилида она томон устиворлиги аниқланди (57,8 фоиз). Мигреноз бош оғриқдан азият чекувчи оталар мигрендан азият чекувчи оналарга нисбатан 2,4 марта кам эди (21,1 фоиз) ( $P<0,001$ ). Айни вақтда ота-онасининг ҳар иккиси ҳам мигрендан азият чекувчи беморларда (21,1 фоиз) аура ва гемикраник хуружлар 2 марта кўп кузатилди ( $P<0,01$ ), шунингдек, ота-онасидан фақат биттаси азият чеккан беморларга нисбатан оғирроқ ва

узокроқ кечди. Ирсий мойиллик статистик жиҳатдан мигреноз инсулт ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияда ( $P<0,001$ ) сезиларли устунликка эга бўлди. Бинобарин ушбу кузатув мигреннинг қон-томир асоратлари ривожланишида ирсий мойиллик муҳим аҳамиятга эгалигини намоён қилди (1-расм).



### 1-расм. Гурухларда ирсий мойиллиги бор беморлар сони

Мигреннинг асоратли шаклларида касаллик 3 йилдан 18 йилгача давом этди. Шуни айтиш жоизки, асоратланган мигренда касаллик анамнезининг нисбатан давомийлиги ( $P<0,001$ ); сурункали мигренда мигреноз хуружнинг давомийлиги ( $P<0,001$ ); мигреноз инсультда хуруж сонининг нисбатан кўпроқ ( $P<0,001$ ) ва хуружлар орасидаги вақт қисқалиги ( $P<0,05$ ) кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал


### Мигрен асоратланган шаклларининг клиник кечиши

| Беморлар гурухи | Касаллик-нинг давомийлиги (йил) | Хуружнинг давомийлиги | Хуруж миқдори (3 ой мобайнида) | Хуруж кузатилмайди -ган вақт (кун) |
|-----------------|---------------------------------|-----------------------|--------------------------------|------------------------------------|
| МАШ (n=85)      | 4,2±0,23                        | 5,8±0,23 (соат)       | 6,9±0,12                       | 8,9±0,65                           |
| MS (n=79)       | 7,9±0,39 ***                    | 58,2±1,9 *** (соат)   | 4,1±0,09 ***                   | 18,2±0,47 ***                      |
| СМ (n=82)       | 8,1±0,46 ***                    | 16,2±0,26 *** (кун)   | 3,5±0,08 ***                   | 12,8±0,30 ***                      |
| МИ (n=53)       | 11,7±0,57 ***                   | 6,6±0,28 * (кун)      | 6,8±0,19                       | 7,3±0,36 *                         |
| МЭ (n=71)       | 13,2±0,47 ***                   | 7,1±0,39 * (кун)      | 4,4±0,16 ***                   | 12,3±0,64 **                       |

Изоҳ: - фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (\* -  $P<0,05$ , \*\* -  $P<0,01$ , \*\*\* -  $P<0,001$ )

Мигренда қон-томир асоратлари ривожланиши билан хуруж сони ва давомийлиги ўртасида тўғри ( $r=0,53$ ) ҳамда клиник даражанинг оғир кечиши билан bemорлар ёши ва касаллик давомийлиги ўртасида тескари пропорционал ( $r=-0,32$ ) корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. Шунга кўра мигрен 10 йилдан ортиқ давом этганда бош мия томир етишмовчилиги

мавжуд бўлсада ўрта ёшдаги bemорлар гуруҳида мигреноз хурож осон ўтиши, нисбатан қиска анамнезли ёшларда эса руҳий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам оғир кечиши ва асоратланган шаклларнинг ривожланиш ҳавфи 2,6 мартаға ортганлиги кузатилди ( $P<0,001$ ). МАШда аура 30 дақиқа, асосий гуруҳда эса 45 – 60 дақиқа давом этди. Асосий гуруҳда аурали мигрен билан оғриганлар қиёсий гуруҳга нисбатан кўпроқ ( $P<0,01$ ), шу жумладан мигреноз инсулт ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияли ( $P<0,01$ ) bemорларда анча ортиқ бўлди (2-расм).



## 2-расм. Тадқиқот гурухларида ауранинг пайдо бўлиш миқдори

Қиёсий гурухдаги bemорларнинг ярмида нисбатан қониқарли аҳвол, мигреноз статус ( $P<0,01$ ), сурункали мигрен ( $P<0,01$ ) ва мигреноз энцефалопатияда ( $P<0,01$ ) эса ўртача оғирлик даражаси устунлик қилди. Bemорлар аҳволининг оғирлик даражаси мигреноз хуружнинг жадаллиги ва давомийлиги билан боғлиқ бўлди. Мигреноз инсултли bemорларда асосан оғир ва ўрта оғирликдаги ҳолат устувор бўлиб ( $P<0,001$ ), у бош оғриқнинг жадаллиги, давомийлиги, ҳамда ўчоқли неврологик белгилар ва онгнинг сақланиш даражасига боғлиқлиқ эди. Мигреноз инсултда ўчоқли неврологик етишмовчиликнинг ўртача клиник бали Скандинавия шкаласи бўйича  $31,5\pm1,4$  бални, Америка NIHSS шкаласи бўйича  $20,4\pm0,79$  бални ва эс-хуш GCS шкаласи бўйича  $11,8\pm0,26$  бални ташкил этди. Булар клиник кечиш даражасининг оғирлигини кўрсатди. Текширилганларнинг 28 нафари (52,8 фоиз)да касалликнинг мигреноз инсултга ўтиши сурункали мигреннинг, 17 нафари (32,1 фоиз)да мигреноз статуснинг, 8 нафари (15,1 фоиз)да МАШнинг навбатдаги мигреноз хуружи фонида кузатилди. Кўпинча (умумий текширилганларнинг 17,8 фоизида) мигреноз хуруж фонида асосан аурали мигренда хушни йўқотиш билан бирга умумий тутқноқнинг ривожланиши кузатилди, касалликнинг оғир кечиши айниқса ёшларда кўпроқ қайд этилди ( $P<0,01$ ).

ID-migraine натижалари бўйича текширилган гурухлар ўртасида кўнгил айниши деярли фарқ қилмади. Қайт қилиш эса мигреноз инсулт ( $P<0,001$ ) ва мигреноз статус ( $P<0,001$ ) билан оғриган bemорлар гуруҳида устунликка эга бўлиб асосан кўп мартараб қайтланди. Барча текширилган гурухда

фотофобия ва фонофобия йўлдош белги сифатида намоён бўлди, аммо фонофобия асосий гуруҳда устунлик қилди ( $P<0,001$ ). Мигреноз инсултда 14 нафар (26,4 фоиз) bemорда қусиши олдиндан кўнгил айнимасдан бошланди, 18 нафари (34,0 фоиз)да кўнгил айниш фонида бошнинг оғирлашиши, унинг кетидан кўп марта қусиши, онгнинг бузилиши ва ўчоқли неврологик белгиларнинг ривожланиши пайдо бўлди. Мигреноз энцефалопатияда кўнгил айниш билан бирга оғиз бўшлиғида нохуш ҳис, жуда оз миқдордаги ҳидга ҳам умумий ахволнинг оғирлашиши кузатилди. Анъанавий мигрен белгилари билан бир қаторда бошда оғирлик, мунтазам тизимли бош айланиши, гипосмия, гиперсалivationя каби белгилар ўзининг тургунлиги ва давомийлиги билан ажралиб турди. Белгилар хуруждан кейин асосий гуруҳнинг 53,5 фоизида 3 – 5 кун давомида сақланиб қолган бўлса, қиёсий гуруҳда енгил ўтиб 3 – 6 соатча давом этди.

MIDAS сўровномасига мос ҳолда текширилганлар асосан ахволининг ўртача ва оғир даржасидан азият чекканди, аммо оғир даражада меҳнат қобилиятининг пасайиши асосий гуруҳда кўпчиликни ташкил этди ( $P<0,001$ ) (2-жадвал).

2-жадвал

### MIDAS сўровномаси бўйича мигреннинг оғирлик даражаси таҳлили

| Гурухлр    | I   |      | II  |         | III |          | IV  |          |
|------------|-----|------|-----|---------|-----|----------|-----|----------|
|            | абс | фоиз | абс | фоиз    | абс | фоиз     | абс | фоиз     |
| МАШ (n=85) | -   | -    | 28  | 32,9    | 52  | 61,2     | 5   | 5,9      |
| MS (n=79)  | -   | -    | -   | -       | 19  | 24,1 *** | 60  | 75,9 *** |
| СМ (n=82)  | -   | -    | 3   | 3,7 *** | 41  | 50,0     | 38  | 46,3 *** |
| МИ (n=53)  | -   | -    | 3   | 3,7 *** | 35  | 66,0     | 15  | 28,3 *** |
| МЭ (n=71)  | 1   | 1,4  | 15  | 21,1    | 54  | 76,1 *   | 1   | 1,4      |

Изоҳ: - фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (\* -  $P<0,05$ , \*\* -  $P<0,01$ , \*\*\* -  $P<0,001$ )

FSC ва уч ўлчамли оғриқ шкаласи (УЎОШ) (NRS, VRS ва VAS) бўйича бош оғриғининг жадаллиги МАШ гуруҳи билан солиштирилганда мигреноз статус ( $P<0,001$ ), сурункали мигрен ( $P<0,001$ ) ва минреноз инсулти бор ( $P<0,001$ ) bemорларда статистик жиҳатдан устун бўлди (3-жадвал).

Асоратли шаклдан фарқли равишда мигреннинг асоратсиз шаклларида гемикрания ва бошнинг лўқиллаб оғриши сезиларли даражада устун бўлди ( $P<0,01$ ), бу сурункали мигренда ҳам кузатилди. Бош оғриғининг диффуз тарқалишига мойиллиги мигреноз энцефалопатияли bemорларда ( $P<0,001$ ), оғриқнинг энса соҳасига тарқалиш мойиллиги мигреноз статусда ( $P<0,05$ ) устунликка эга бўлди.

Депрессия (рухий сиқилиш) асосан субклиник кўринишда пайдо бўлди, МАШ гуруҳига нисбатан мигреноз статус билан оғриган bemорларда 2 марта ( $P<0,05$ ), сурункали мигренда 4 марта ( $P<0,001$ ), мигреноз инсультда 2,9 марта ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияда 4,5 марта ( $P<0,001$ ) кўп намоён бўлди.

3-жадвал

### Мигрен шаклларида бош оғриғи даражасининг микдорий таҳлили

| Гурӯҳ      | УЎОШ         | ОТШ          | MIDAS         |
|------------|--------------|--------------|---------------|
| МАШ (n=85) | 7,7±0,10     | 3,7±0,09     | 13,2±0,41     |
| MS (n=79)  | 9,5±0,07 *** | 4,8±0,04 *** | 22,1±0,30 *** |
| СМ (n=82)  | 8,6±0,11 *** | 4,4±0,08 *** | 19,5±0,42 *** |
| МИ (n=53)  | 8,8±0,17 *** | 4,4±0,10 *** | 18,6±0,55 *** |
| МЭ (n=71)  | 7,7±0,10     | 3,7±0,07     | 13,4±0,35     |

Изоҳ: - фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Хавотирнинг тушкунликка нисбатан кўпроқ кузатилиши ( $P<0,01$ ) навбатдаги хуружни кутиш билан изоҳланди. Ўртача хавотир мигреноз статус ( $P<0,001$ ), сурункали мигрен ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияли ( $P<0,01$ ) bemorлар гуруҳида кўп учради. Яққол намоён бўлган хавотир эса мигреноз статус ( $P<0,001$ ) ва мигреноз инсултли ( $P<0,05$ ) bemorлар гуруҳида устунлик қилди ( $P<0,05$ ) (4-жадвал).

4-жадвал

### Мигренда руҳий-эмоционал фон ҳолати (HDRS-21, НАМ-А)

| Кўрсаткич-лар            | МАШ (n=85) |      | MS (n=79) |          | СМ (n=82) |          | МИ (n=53) |          | МЭ (n=71) |          |
|--------------------------|------------|------|-----------|----------|-----------|----------|-----------|----------|-----------|----------|
|                          | абс        | фоиз | абс       | фоиз     | абс       | фоиз     | абс       | фоиз     | абс       | фоиз     |
| Депрессиянинг мавжудлиги |            |      |           |          |           |          |           |          |           |          |
| йўқ                      | 67         | 78,8 | 46        | 58,2 *   | 10        | 12,2 *** | 9         | 17,0 *** | 3         | 4,2 ***  |
| субклиник                | 18         | 21,2 | 33        | 41,8 *   | 70        | 85,4 *** | 44        | 83,0 *** | 68        | 95,8 *** |
| яққол                    | -          | -    | -         | -        | 2         | 2,4      | -         | -        |           |          |
| Хавотирнинг мавжудлиги   |            |      |           |          |           |          |           |          |           |          |
| йўқ                      | 10         | 11,8 | -         | -        | 1         | 1,2 *    | 1         | 1,9 *    | 18        | 25,4 *   |
| кучсиз                   | 52         | 61,2 | 13        | 16,5 *** | 26        | 31,7 **  | 27        | 50,9     | 47        | 66,2     |
| ўртача                   | 22         | 25,9 | 50        | 63,3 *** | 51        | 62,2 *** | 15        | 28,3     | 3         | 4,2 *    |
| яққол                    | 1          | 1,2  | 16        | 20,2 *** | 4         | 4,9      | 5         | 9,4 *    | 3         | 4,2      |
| оғир                     | -          | -    | -         | -        | -         | -        | 5         | 9,4      | -         |          |

Изоҳ: - фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Руҳий-патологик фон кўпинча уйқунинг бузилиши, бош оғриғининг оғирлашиши ва чўзилиши ҳамда қўшимча вегетатив белгиларни чақирди. Диссонния ҳолати мигреноз инсулт ( $P<0,001$ ) ва сурункали мигрен ( $P<0,001$ ) билан оғриган bemorларда уйқусизлик, ухлашнинг қийинлиги, беҳаловат уйқу билан намоён бўлди. Марказий асаб тизими (МАТ)нинг ўзгарувчанлиги ва жаҳлдорлик мигрен билан оғриган bemorларнинг деярли ярмидан кўпи, айниқса асосий гуруҳда кўпроқ кузатилди ( $P<0,001$ ). Хуруждан кейинги уйқучанлик текширилган барча гуруҳда деярли бир хил микдорда қайд этилди. Текширув натижалари психоэмоционал ҳолатнинг БО интенсивлиги

( $r=0,53$ ), хуруж давомийлиги ( $r=0,47$ ) ва тезлиги ( $r=0,57$ ) билан бевосита корреляцион боғлиқлик борлигини күрсатди. Турлича белгилар орасида вегетатив дисфункцияниң шаклланиши фикримизча бош миянинг реактив ҳолати ва/ёки узоқ вақт давомида мавжуд бўлган оғриқ синдромига МАТнинг жавобий ҳолати бўлиши мумкин.

Крепелин усули бўйича ўтказилган синама давомидаги хато сони мигреноз статусли беморларда МАШ гурухидаги беморлардан фарқ қилмади, бироқ мигреноз статусда синамани ўтказиш вақти узайди ( $P<0,001$ ). Сурункали мигрен, мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияда синамани ўтказиш вақтининг узайиши ( $P<0,001$ ) ҳам, хато сонининг ортиши ҳам ( $P<0,001$ ) кузатилди.

Корректур синамасини ўтказишда ҳам амалда худди шундай натижалар қайд этилди. Унда хато алоҳида ҳарф ёки қаторни тушуриб қолдириш, шунингдек айтилган ҳарф эмас, балки ёнма-ён турган ҳарфларни ўчириш билан намоён бўлди. М.П.Кононова синамасини ўтказишда хато сонининг ортиши ва синамани ўтказиш вақтининг узайиши кузатилди ва дикқатнинг пасайишидан далолат берди. Мигреноз инсултли ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияли ( $P<0,001$ ) беморларда натижалар жуда паст бўлиб, дикқат барқарорлиги 20 фойзгача етди (5-жадвал).

5-жадвал


#### Қисқа хотира ва дикқатнинг барқарорлик даражасини баҳолаш

| Гуруҳлар   | М.П. Кононова синамаси      |                 |                                      | mini-Cog<br>тести |
|------------|-----------------------------|-----------------|--------------------------------------|-------------------|
|            | ўтказиш вақти<br>(сониялар) | хато<br>микдори | дикқатнинг<br>барқарорлиги<br>(фоиз) |                   |
| МАШ (n=85) | 86,9±0,51                   | 1,8±0,06        | 82,5±0,54                            | 3,0±0,0           |
| MS (n=79)  | 90,0±0,82 **                | 2,1±0,06 **     | 76,4±0,45 **                         | 2,9±0,01 *        |
| СМ (n=82)  | 116,7±1,24 ***              | 4,1±0,11 ***    | 56,7±1,3 ***                         | 2,8±0,02 ***      |
| МИ (n=53)  | 162,5±4,5 ***               | 6,9±0,16 ***    | 19,6±1,5 ***                         | 1,4±0,06 ***      |
| МЭ (n=71)  | 142,6±2,3 ***               | 4,8±0,14 ***    | 37,3±1,5 ***                         | 1,8±0,03 ***      |

Изоҳ: - фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (\* -  $P<0,05$ , \*\* -  $P<0,01$ , \*\*\* -  $P<0,001$ )


Шульт усули бўйича МАШ сурункали мигрен ( $P<0,01$ ) ва мигреноз статус ( $P<0,001$ ) билан солиштирилиб мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияда маълумотларни қайта ишлаш тезлиги (МҚИТ)нинг статистик пасайиши аниқланди. Mini-Cogда учала вазифа бўйича мигреноз статус ( $P<0,001$ ) ва сурункали мигрен ( $P<0,001$ )да паст кўрсаткич аниқланди, яққол пасайиш эса мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияли беморларда қайд этилди (5-жадвал). Энг камида иккита вазифа бўйича қисқа вақтли хотиранинг пасайишидан азият чекувчи bemorлар томир деменциясига (ТД) мойил сифатида қаралди. Чунончи, мигреноз инсултли bemorлар мигреноз статусга нисбатан 10 марта ( $P<0,001$ ) ва сурункали мигрен ( $P<0,001$ )га нисбатан 4,5 марта кўпроқ ТДга мойил бўлар экан.

Мигреноз энцефалопатияда эса бу фарқ 8,5 ва 4 мартани ташкил этди; сурункали мигренда ушбу белги мигреноз статус ( $P<0,05$ )га нисбатан 2,3 марта кўпроқ кузатилди (3-расм).




**3-расм. Томир деменциясига мойил бўлган bemорлар миқдори**

МАШ ( $P<0,001$ ), мигреноз статус ( $P<0,001$ ) ва сурункали мигрен ( $P<0,01$ ) билан солиштирганда мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияда узоқ муддатли хотира барқарорлигининг паст даражаси (30 фоизгача) қайд этилди (4-расм).



**4-расм. Узоқ муддатли хотиранинг барқарорлиги даражаси**

Мигрен билан оғриган bemорларда когнитив фаолликнинг бир неча (камида 3 та) дисфункцияси бирга намоён бўлганда когнитив етишмаслик (КЕ) даражасини аниқлашга эришдик (академик Н.Н. Яхно, 2005 таснифи). Мигренда КЕ мигреннинг асоратланган шаклларида тўлиқ деменция даражасигача бормаслиги, аммо уларнинг ТДга мойиллиги маълум бўлди. Турли даражада намоён бўлувчи ўртача ва яққол КЕ даражаси мигреноз инсулт ҳамда мигреноз энцелопатияли bemорларда нисбатан кўпроқ кузатилди ( $P<0,001$ ) (5-расм).




**5-расм. Мигренниң асоратланган шаклларида когнитив етишмаслик даражасы**

Психопатологик ҳолат мавжуд беморларда когнитив бузилишнинг янада чукурлашиши кузатилди. Мигреноз инсулт ҳам субъектив, ҳам объектив белгиларга кўра оғир клиник кечишга эга бўлди, бунда bemорлар асосан “аурали мигрен” дан азият чекди (84,9 фоиз). Ўчоқли белгилар узоқ давом этувчи аура ва/ёки гемикраниянинг навбатдаги хуружи даврида пайдо бўлиб бош оғригини бартараф этилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда кейинги кунлар давомида бирдай сақланиб турди.

Диссертациянинг «**Мигренниң асоратланган шаклларини ташхислашда нейрофизиологик, нейровизуал ва нейронурли текшириш усуllibарининг ўзига хослиги**» деб номланган тўртинчи бобида миянинг биоэлектрик фаоллиги, мия қон томирларидағи оқимнинг сифат ва миқдор ўзгариши, бош мия ва унинг қон томир тизими ҳолатини текшириш натижалари баён этилган.

МАТ биоэлектрик потенциали (БЭП)нинг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида Е.А. Жирмунский ва В.С. Лосев (1984) таснифи асосида бош мия юза ва чукур тузилмаларининг биоэлектрик ва функционал фаоллиги мажмуаси ўрганилди ва когнитив бузилишлар, клиник, неврологик ҳамда IV – V тур ЭЭГ ритмининг корреляцион боғлиқлиги исботланди (мигреноз статусда енгил,  $r=0,28$ ; сурункали мигренда ўрта  $r=0,36$ ; мигреноз инсулт  $r=0,84$  ва мигреноз энцефалопатияда кучли  $r=0,78$ ). Фраменгем шкаласи, корреляцион боғлиқлик асосида бош мияда ўткир томир етишмаслиги ҳавфини (High Risk of Vascular Deficit – HRVD) аниқлашга имкон берувчи башоратлаш тизими ишлаб чиқилди. Шу асосда мигрен билан оғриган bemорларда патологик паттерн мезон (предиктор)лари аниқланди (6-расм). ЭЭГ ритмининг I тур харакати *тартибли* бўлиб, мия ишемиясининг ривожланиш ҳавфига эга эмас,  $HRVD=0$  (мезон: ритм частотаси 8 – 13 Гц ва билатерал соҳа бўйича  $\alpha$ -ритм намоён бўлади). II тур ЭЭГ тўлқини харакати *гиперсинхрон*, мия ишемияси ҳавфининг даражаси паст бўлади,  $HRVD=1,0$  (мезон: ритм ҳаракати бош миянинг бир ёки бир неча соҳасида пайдо бўлади; доимий альфа-ритм фонида 30 мкВ амплитудагача тенг бўлган осойишта тета- (4 – 8 Гц) ва дельта- (0,3 – 4 Гц)-фаолликлар пайдо бўлади). ЭЭГнинг III турида тўлқин ҳаракати *носинхрон*, мия ишемияси шаклланишининг ўртacha ҳавф даражаси мавжуд,  $HRVD=3,0$  (мезон: барча ритм ларнинг диффуз

бетартиблиги, доминант эгриликсиз пайдо бўлиши, тўлқин амплитудасининг паст даражаси (30 – 35 мкВ), альфа- ва бета-фаоллик барқарор эмаслиги).




#### 6-расм. Бош мияда ўткир томир етишмаслигининг ҳавфли даражаси

IV турда тўлқин ҳаракати *бетартиб*, мия ишемияси ривожланишининг юқори ҳавф даражаси аниқланди, HRVD=5,0 (мезон: барқарор бўлмаган дағал патологик компонентлар мавжуд, биоэлектрик ритмлар зонал фарқ қилмайди,  $\beta$ -ритм 13 – 25 Гц,  $\delta$ -ритм 4 – 8 Гц). ЭЭГнинг V турида ўта *бетартиб* тўлқин бўлиб, ўткир мия ишемияси хавфи жуда юқори даражага эришди, HRVD=5,0+ (мезон: бекарор дағал патологик компонентлар бош миянинг аниқ соҳасида пайдо бўлиб, тета- (4 – 8 Гц) ва дельта- (0,3 – 4 Гц) ритмлар мавжуд). Асосий гуруҳ bemорларининг 30,2 фоизида мия ишемияси хавфининг юқори даражаси (HRVD=5,0), 22,3 фоизида эса ушбу ҳавфнинг ўта юқори даражаси (HRVD=5,0+) аниқланди.

УТДГ маълумотларига асосан гурухлараро қуйидаги ўзига хосликлар тавсифи: мигреноз статусда ташқи уйқу артерияси (ТУА) (86,1 фоиз) ва мия олд артерияси (МОА) (78,5 фоиз) ҳавзаларида гиперперфузия белгиларининг мавжудлиги билан томирлар тонусининг ортиши; сурункали мигренда миянинг гипоперфузияси билан орқа мия артерияси (ОМА) (42,7 фоиз) ва МОАда (37,8 фоиз) тонусининг пасайиши; мигреноз инсультда гипоперфузия билан томонларда қон оқими номутаносиблигининг мавжудлиги, асосан ОМАда тонус ва қон оқимининг пасайиши (51,0 фоиз); мигреноз энцефалопатияда эса мия гипоперфузияси билан ТУА (85,9 фоиз) ва МОА (67,6 фоиз) тонусларининг пасайиши, ҳамда асосий гурухда яққол веноз дисциркуляция борлиги аниқланди. Мия томирлари аутобошқариш қобилиятининг пасайиши мигренда бош мия ўткир ва сурункали ишемиясини башоратловчи омилни жорий этишга асос солди. Бунинг учун умумий уйқу артерияси (УУА)ни бир неча сонияга сиқиши йўли билан ислатерал томонда ўрта мия артерияси (ЎМА)да қон оқимини қайд қилиб Овершут коэффициенти (ОК)ни аниқладик ( $N=1,23-1,54$ ). Церебрал артерияларнинг реактивлик қобилияти мигреноз статусда МАШга нисбатан 19 фоизга ( $P<0,05$ ), сурункали мигренда 20 – 22 фоизга ( $P<0,05$ ) ва мигреноз энцефалопатияда эса 20 – 23 фоизга паст кўрсаткичга эга бўлди ( $P<0,05$ ).

Натижага кўра мигренда бош мия ўткир ва сурункали ишемиясини башоратлашнинг қуйидаги мезонлари аниқланди: томир деворлари тонуси,

реактив қобилияти ва қаршилик (периферик ва марказий) кучини аниқлаб берувчи Пурселотт чидамлилик индекси пасайиши ( $Ri < 0,57$ ) ( $N=0,57-0,67$ ), Гослинг пульс фаоллигининг 50 фоизгача пасайиши ( $Pi < 1,05$ ) ( $N=1,05-1,17$ ), шунингдек веноз дисциркуляция мавжудлиги, церебрал аутобошқарув ҳамда мия захира қобилиятини белгиловчи Овершут коэффициентининг 20 – 30 фоизгача пасайиши ( $OK < 1,23$ ) ( $N=1,23-1,54$ ) шулар жумласидандир. Аниқланган мезонлар бош мия ва томирларнинг мослашув-компенсатор, резерв хусусиятлари пасайиши ва ўткир (ЎМИ) ҳамда сурункали мия ишемияси (СМИ) ривожланишида аниқ омил деб қабул қилинди (7-расм).




**7-расм. Башоратлаш мезонлари**

Гемодинамик ўзгаришлар биоэлектрик ( $r=0,43$ ), клиник-неврологик ( $r=0,49$ ), когнитив ( $r=0,39$ ), руҳий-эмоционал дисфункциялар ( $r=0,32$ ) билан бевосита корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

Триплекс сканирлаш маълумотларига асосланиб сифат ва микдор гемодинамик ўзгаришларнинг мавжудлиги хурож сони, давомийлиги, ҳаттоқи давомий касаллик анамнези мигренда бош мия томирларининг диаметри, томир ёриғи, деворлар геометрияси, ўтказувчанлигига патология йўқлиги ҳамда томир интимасида деформациянинг мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилдинди.

МРТ мълумотларига кўра бош миянинг субкортикал ва перивентрикуляр соҳасида якка ҳолда учрайдиган ўлчами 1-3 мм бўлган кичикроқ энцефаломаляция ўчоқлари мигреноз статусли 58,3 фоиз беморда ва сурункали мигренга чалинган 75,6 фоиз беморда намоён бўлди. 5 мм дан каттароқ ҳажмдаги перифокал шиш билан намоён бўлувчи инфарктнинг лакунар ўчоғи 37 нафар (69,8 фоиз) ва глиоз ўчоқлар 12 нафар (22,6 фоиз) мигреноз инсултли беморда аниқланди. Ўчоқларнинг жойлашуви 11 нафар беморда (20,8 фоиз) пешонада, 8 нафарида (15,1 фоиз) чаккада, 19 тасида (35,8 фоиз) энсада ва 2 нафарида (3,8 фоиз) мия ўзагида жойлашганлиги аниқланди. Инфарктнинг сурункли лакунар ўчоқлари, энцефаломаляция ва глиознинг аксарият ўчоғи мигреноз энцефалопатияли беморларга хос эди. Мигреноз энцефалопатия билан оғриган беморларда энцефломаляция ўчоқлари асосан пешона, тепа ва энса соҳасида кузатилди. 23 нафар (32,4 фоиз) беморда аниқ лейкориоз аломатлари ён қоринчларнинг олд ва орқа

шохлари атрофида “қалпоқча” күринишида нотекис чизиқлар билан жойланғанлиги маълум бўлди. 33 нафар (46,5 фоиз) bemорда миянинг катта ярим шарларидағи оқ моддада қўп сонли тарқоқ ва қўшилиб кетувчи ўчоқлар билан субкортикал лейкориоз белгилари мавжудлиги қайд этилди (8-расм).



**8-расм. Энцефаломаляция учоқларининг бош мияда жойлашинуви**

Ишемик ўчоқларнинг психоэмоционал ( $r=0,58$ ), вегетатив ( $r=0,43$ ), когнитив ( $r=0,53$ ) фаолликнинг бузилишлари билан бевосита корреляцион боғлиқлиги борлиги аниқланди.

МРА маълумотларига кўра бош мия артериялари периферик тасвирининг пасайиши кузатилди. Шу азалда мигреноз статусга чалинган bemорларда асосан МОАда, сурункали мигрен ва мигреноз инсулт билан оғриган bemорларда МОА ва ОМАда (мигреноз инсултда ОМАда устунлиги билан) ҳамда мигреноз энцефалопатияда МОАда ўзига хос хусусият деб ҳисобланди. Айнан шу белгилар бош мияда томир дегенерацияси ривожланишига ва мигренда энцефалопатиянинг кенг кўламли шаклланишига сабаб бўлиши кузатилди.

Диссертациянинг «Ўзбек bemорларда мигреннинг клиник-генетик ўзига хосликлари» деб номланган бешинчи бобида иккита гуруҳ (ходиса/назорат) ва гендер муносабатларда мигрен ва асоратларнинг ривожланиши молекуляр-генетик полиморфизм ассоциация имкониятлари миқёсида қиёсий тадқиқ этилди.

Жами ( $n=258$ ) танлаб олинганларнинг 193 нафари (74,8 фоизи) мигреннинг турли шакллари билан оғриган bemорлар ва 65 нафари (25,2 фоизи) назорат гуруҳ вакилларини ташкил этди. Мигрен билан оғриган bemорларда холецистокинин генидаги (CCKAR) А рецепторнинг генетик полиморфизм генотиплари (T779C) rs1800857 куйидагича тақсимланди: TT – 47 (18 фоиз), TC – 103 (39,9 фоиз) ва CC – 108 (41,8 фоиз). TT генотипга нисбатан ( $t=6.4$ ;  $p<0.005$  ва  $t=9.6$ ;  $p<0.005$ ) TC ва CC генотиплар тўпланиши устунлик қилди. Алеллар тақсимленишининг таҳлили Т-алеллар – 27,7 фоиз ( $n=72$ )га нисбатан С-алелларни ташувчиларнинг сезиларли устунлиги – 72,2 фоиз ( $n=176$ ) аниқланди. Мигрен ривожланишида мультиплектив генетик модел ва муносабатлар имконияти таҳлили натижасида касалликнинг ривожланиш ҳавфи (OR) С алелнинг устунлигига 6,16 марта ортиши ( $OR=6,16$ ; 95% CI 3,98-9,54;  $\chi^2=74,56$ ;  $p<0,001$ ), яъни CCKAR гени С алелининг мавжудлиги ўзбек халқи вакилларида мигренга бўлган

мойилликни ошириши аниқланди. Касаллик ривожланиши гендер жиҳатдан таҳлилланганда генетик статусда яққол фарқ йуқлиги кузатилди ( $F=4.001$ ;  $p=0,0804$ ).

Нейроген оқсил гомологи бўлмиш 3 NOTCH3 геннинг G684A rs1043994 пролиморфизм генотиплари миқдори қўйидагини кўрсатди: GG – 68 (26,3 фоиз), GA – 183 (71 фоиз) ва AA – 7 (2,7 фоиз). Натижалардан қўриниб турибдики, мигрен билан оғриган bemорлар орасида GG ва AA генотиплар ( $t= -13.846$ ;  $p=0.0023$  ва  $t=-26.03$ ;  $p=0.012$ , мос холда)га нисбатан GA гетерозигот генотип ортиқроқ эди. Ўзбек bemорлар орасида аллеллар тақсимланишининг таҳлили A-аллел ( $n=170$ , 44 фоиз),  $\chi^2=17,05$ ;  $df=1$ ,  $p=0,00004$  га нисбатан G-аллел ( $n=216$ , 56 фоиз) ташувчиларининг статистик жиҳатдан устунлиги аён бўлди. Мигрен ривожланишида мультиплекатив генетик модел ва муносабатлар имкониятининг таҳлили касалликнинг ривожланиш хавфи ( $OR=3,002$ ; 95% CI 1.28-4.79;  $\chi^2=22,31$ ;  $p<0,00001$ ) NOTCH3 генотипдаги G аллелнинг ортиши билан ўзаро узвийлиги аниқланди. Гендер гурухида аллел ва генотиплар миқдори мигрен билан оғриган аёлларда GG генотип 16 фоизни, эркакларда эса 6 фоизни ташкил этди ва аёлларда GG генотип эркакларга нисбатан устунлигини кўрсатди ( $\chi^2=0,4$ ;  $df=1$ ,  $p=0,527$ ). Аурали ва аурасиз мигренъ (генотиплар  $\chi^2=0,6$ ;  $p=0,438$  ва аллеллар –  $\chi^2=0,16$ ;  $p=0,689$ ) гурухида генотип ва аллеллар тақсимланишининг қиёсий таҳлили, шунингдек бир омилли дисперсион таҳлил ( $F=0,0074$ ;  $p=0,935$ ) натижасида ўзаро фарқ намоён бўлмади.

Метилентетрагидрофолат редуктаза (MTHFR) гени C677T (rs1801133) полиморфизм генотиплар миқдорининг тақсимланиши мигрен билан касалланган bemорларда қўйидагича бўлди: CC–генотип – 8,29 фоиз ( $n=16$ ), CT генотип – 47,67 фоиз ( $n=92$ ), TT 44,04 фоиз ( $n=85$ ) ( $\chi^2=18,54$ ;  $p=0,000017$ ). Олинган натижалардан шу нарсани аниқладики, мигрен билан оғриган bemорлар орасида CC генотипига нисбатан ( $p<0.0001$ ) CT ва TT генотиплари кўп тўпланди ҳамда касалликка мойиллик CT ва TT генотип ( $OR=7.45$ ; 95% CI 3.59-15.47;  $p<0,0001$ ) ташувчиларида кўплиги, TT генотип ташувчининг устунлиги. Шунингдек CC генотипининг мавжудлиги касаллик ривожланишига нисбатан самарали ҳимоя ҳисобланади ( $OR=0.134$ ; 95 фоиз CI 0.06-0.28;  $\chi^2=32,51$ ;  $df=2$   $p<0,0001$ ). Ўзбек халқи орасида аллелларнинг тақсимланиш таҳлили мигрен билан оғриган bemорларда С аллелига кўра T-аллел ташувчиларининг сезиларли устунлигини кўрсатди: Т аллель – 67,88 фоиз ( $n=262$ ), С аллел – 32,12 фоиз ( $n=124$ ),  $\chi^2=18,07$ ;  $df=1$ ,  $p<0,0001$ . Аурали мигрен гурухида С аллелининг 37,63 фоизга 27 фоиз нисбатдаги устунлиги қайд этилган бўлса, аурасиз мигрен гурухида Т аллелининг 73 фоизга 62,36 фоиз нисбатдаги кўплиги кузатилди ( $\chi^2=4,99$ ;  $df=1$ ;  $p=0,025$ ). MTHFR гени CT ва TT генотипларининг тақсимланиши аурали ва аурасиз мигренда деярли бир хил бўлиб гомозигот CC генотипнинг аурали мигренда кўароқ тўпланиши аниқланди  $OR=8,64$  (95% CI 2.45-30.36). Ўтказилган тадқиқотга асосланиб мигрен билан оғриган bemорда веноз қонни генлар

полиморфизмига текшириш эрта ташхислаш, асоратлар шаклланишини огоҳлантиришда олдиндан даволаш имконини беради.

Диссертациянинг “**Мигреннинг асоратли шакллари билан оғриган bemорларни даволашга ёндошувлар ва огоҳлантирувчи даволаш таҳлилиниң үзига хосликлари**” деб номланган олтинчи бобида мигрен ва унинг асоратли шаклларини даволаш стратегиясини ишлаб чиқишига бағищланган.

Мигреноз хуружни бартараф этиш мақсадида bemорларнинг ҳар бир гурухи 3 та кичик гурухга бўлинди: 1-кичик гурухда базавий даволаш, яъни триптан гурухидаги дори восита (суматриптан таблеткаси 100 мг) ва ностероид яллигланишга қарши дори воситаси (НЯКДВ) (инфулган 1000 мг/100,0 мл) тавсия этилди; 2-кичик гурухда базавий даволашга антиконвульсант воситалари (АКВ) қўшилди (конвулекс 1000 мг/5,0 мл); 3-кичик гурухни мигреноз хуружи нисбатан оғир кечувчи bemорлар ташкил этди ва – АКВ, глюкокортикоид воситаси (ГКВ) (дексаметазон 12 мг гача инфузия сифатида) базавий даволаш муолажасига қўшимча равишда тавсия этилди. Яққол намоён бўлган кўнгил айниш ва кусиши кузатилган bemорларга 4,0 млгача метаклопрамид қўлланилди. Даволаш натижалари маҳсус формулага мос ҳолда сифат коэффициенти (СК) бўйича баҳоланди: СК = (T<sub>1</sub>-T<sub>2</sub>)/T<sub>1</sub>×100 фоиз, бу ерда T<sub>1</sub> даволашгача бўлган bemорлар сони; T<sub>2</sub> даволашдан кейинги bemорлар сони. Аломатлар 20 – 30 фоиз тузалса даволаш жузъий самара берди деб, кўрсаткич 35 – 50 фоиз бўлса даволаш самараси ўртacha, 51 фоиз ва ундан юкори бўлса самарали даволаниш, 0-20 фоизгача бўлганда эса самарасиз деб баҳоланди. Мигреноз хуружларни бартараф этиш динамикасини ID-migraine сўровномаси асосида ва оғриқнинг уч ўлчамли шкаласи ҳамда клиник-неврологик ўзгаришларга қараб таҳлил қилдик. 1-кичик гурухда танланган даво муолажасининг СКи етарли даражада самара бермади. Чунончи, мигреноз статусда АКВ, сурункали мигренда эса АКВ ва ГКВнинг базавий даво муолажаси билан биргаликда қўлланилиши мигреноз пароксизмни самарали бартараф этди ва bemорларнинг кундалик меҳнат фаоллигини эрта тиклашга, руҳий, ҳамда жисмоний жиҳатдан ҳаёт сифтини яхшилашга, шунингдек ўткир ва сурункали томир этишмаслиги пайдо бўлишининг олдини олишга зарурӣ чора бўлиб ҳисбланди. Мигреноз инсультнинг ўткир давридаги даволаш динамикасини иккита кичик гурухга бўлинган ҳолда ўрганилди: биринчиси қиёсий гурух бўлиб, унга ишемик инсультга қарши базавий даволаш (қон реологиясини яхшиловчи, шишга қарши дори воситалари ва нейропротектор) қабул қилган 20 нафар (37,7 фоиз) bemор киритилди; иккинчиси асосий гурух бўлиб, базавий даволанишга қисқа муддатли (1-3 сутка) стероид (бир суткада 12 мг гача дексаметазон) ва ностероид дори воситаси (инфулган 1000 мг/100,0 мл) қўшиб даволанганд 33 нафар (62,3 фоиз) bemор киритилди. NIHSS ва Скандинавия шкаласи натижалари бўйича 1-кичик гурухга нисбатан 2-кичик гурухда неврологик этишмаслик даражасининг сезиларли яхшиланиши кузатилди ( $P<0,001$ ). Клиник-

неврологик белгилар бўйича даволаш динамикасида СК самарадорлиги НЯҚДВ ва ГКВ фонида 90 фоизгача ошди. Базавий даволашга НЯҚДВ ва ГКВнинг қўшилиши натижасида рухий-эмоционал фон яхшиланди, bemорларнинг ярмидан кўпи депрессия (54,5 фоизи) ва хавотирнинг (69,7 фоизи) йўқолганлигини ҳис этди. Допплер тасвирлари бўйича 2-кичик гуруҳда 1-кичик гуруҳга нисбатан динамикада интракраниал томирларда тонус ва қон оқимининг яхшиланиши, томонлар номутаносиблиги ҳамда қон оқими турбулентлигининг йўқолиши кузатилди. Бироқ ангиодистония, веноз дисциркуляция элементлари ГКВ ва НЯҚДВ қўшилганда ҳам сақланиб қолди, бу эса уй шароитида даволаш давом эттирилишини тақозо этди. Олинган натижалар шуни тасдиқладики, мигреноз ишемик инсултда қўлланилган базавий даволаш мигреноз инсультнинг ўткир босқичида етарли даражада самара бермайди ва йўқотилган неврологик функцияларнинг ўз вақтида тикланиши учун касалликнинг эрта босқичида қисқа муддатга ГКВ ва НЯҚДВни қўшиш зарурияти талаб этилади.

Юқорида баён қилинганлар огоҳлантирувчи даволаш фонида назоратимиз остида бўлган bemорларни учта кичик гуруҳга тақсимлаб кузатишни давом эттиридик. Даволаш стандартларига таяниб 1-кичик гуруҳга сератонинни қайта ушлаб олувчи селектив ингибитор (СҚУОСИ) (пароксетин 20 мг миқдорда); 2 кичик гуруҳга  $\beta$ -блокатор (бисопролол суткада 5 мг миқдорда); ва 3-кичик гуруҳга бош мия томир асоратларини тикловчи нейропротектив восита (цитиколин 1 суткада 1000 мг миқдорда, регос, 3 ойгача) қўлланилди.

Беморларни кичик гуруҳларга тақсимланишда касалликнинг оғирлик даражаси ва текшириш натижалари ҳисобга олинди. 1-кичик гуруҳдаги клиник кечиш динамикаси сурункали мигрен билан оғриган bemорларда пароксизм давомийлиги ( $P<0,01$ ), мигреноз статус ( $P<0,01$ ) ва сурункали мигренда ( $P<0,05$ ) хуружлар сони анча камайди. 2-кичик гуруҳдаги барча гуруҳга мансуб bemорларда мигреноз пароксизмининг давомийлиги камайди ( $P<0,05$ ).

Мигреноз инсультли ( $P<0,001$ ) ва мигреноз энцефалопатияли ( $P<0,001$ ) bemорларда эса клиник кечишнинг динамикаси цитиколин қўшилгандагина ижобий ўзгариш кузатилди ва натижа МАШ гурухидаги bemорлар натижаси билан деярли бир хил бўлди (8-жадвал).

MIDAS шкаласи бўйича 1-кичик гуруҳда bemорларнинг умумий ахволи деярли ўзгармади, аммо 3-кичик гуруҳда бош оғрифининг камайиши, меҳнат қобилиятининг тикланиши кузатилди. кузатилмади стандарт даволаш ўtkazilganдан кейин bemорларда мигреннинг ўртacha III ва оғир IV даражларининг мавжудлиги кузатилди. Мигреноз инсультли 2-кичик гурух bemорларида III ўртacha даража кузатилди. 3-кичик гуруҳда эса 100 фоиз bemорда касалликнинг II ўртacha оғирлик даражаси аниқланди (9-жадвал).

## 8-жадвал

### Мигрен асоратланган шаклларининг клиник кечиши динамикаси

| Гурухлар           |                  | МАШ                     | MS                          | СМ                          | МИ                         | МЭ                         |
|--------------------|------------------|-------------------------|-----------------------------|-----------------------------|----------------------------|----------------------------|
| Хурумж давомийлиги | даволашдан олдин | 5,8±0,23                | 58,2±1,9 <sup>^^^</sup>     | 16,2±0,26                   | 6,6±0,28                   | 7,1±0,39                   |
|                    | 1-кич/гурух      | 5,1±0,28 <sup>*</sup>   | 55,4±2,8 <sup>^^^</sup>     | 14,4±0,28 <sup>***^^^</sup> | 6,7±0,24 <sup>^^^</sup>    | 6,2±0,53                   |
|                    | 2-кич/гурух      | 4,5±0,23 <sup>**</sup>  | 42,9±2,3 <sup>***^^^</sup>  | 11,4±0,17 <sup>***^^^</sup> | 3,8±0,15 <sup>***^</sup>   | 3,5±0,29 <sup>***^</sup>   |
|                    | 3-кич/гурух      | 1,6±0,12 <sup>***</sup> | 17,9±0,98 <sup>***^^^</sup> | 15,4±0,30 <sup>***^</sup>   | 2,1±0,12 <sup>***^</sup>   | 1,9±0,14 <sup>***</sup>    |
| Хурумж сони        | даволашдан олдин | 6,9±0,12                | 4,1±0,09 <sup>^^^</sup>     | 3,5±0,08 <sup>^^^</sup>     | 6,8±0,19                   | 4,4±0,16 <sup>^^^</sup>    |
|                    | 1-кич/гурух      | 5,7±0,15 <sup>***</sup> | 3,6±0,14 <sup>***^^^</sup>  | 3,2±0,13 <sup>*^^^</sup>    | 6,5±0,25 <sup>^</sup>      | 4,2±0,24 <sup>^^^</sup>    |
|                    | 2-кич/гурух      | 5,1±0,15 <sup>***</sup> | 3,5±1,1                     | 3,5±0,12 <sup>^^^</sup>     | 3,4±0,13 <sup>***^^^</sup> | 2,7±0,19 <sup>***^^^</sup> |
|                    | 3-кич/гурух      | 2,1±0,15 <sup>***</sup> | 1,6±0,10 <sup>***^</sup>    | 1,5±0,09 <sup>***^</sup>    | 2,3±0,14 <sup>***</sup>    | 1,5±0,09 <sup>***^</sup>   |

Изоҳ: - \* - фарқлар даволашга нисбатан аҳамиятли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001) ^- фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (^-P<0,05; ^^-P<0,01; ^^^-P<0,001)

## 9-жадвал

### MIDAS шкаласи бўйича мигрен асоратланган шакллари оғирлик даражасининг динамикаси (балл)

| Гурухлар | Даволашгача              | 1-кичик гурух               | 2-кичик гурух               | 3-кичик гурух              |
|----------|--------------------------|-----------------------------|-----------------------------|----------------------------|
| МАШ      | 13,2±0,41                | 12,2±0,53                   | 10,4±0,52 <sup>^^^</sup>    | 5,1±0,19 <sup>^^^</sup>    |
| MS       | 22,1±0,30 <sup>***</sup> | 18,6±0,36 <sup>***^^^</sup> | 15,1±0,67 <sup>***^^^</sup> | 9,7±0,43 <sup>***^^^</sup> |
| СМ       | 19,5±0,42 <sup>***</sup> | 18,2±0,51 <sup>***^</sup>   | 15,3±0,44 <sup>***^^^</sup> | 7,8±0,41 <sup>***^^^</sup> |
| МИ       | 18,6±0,55 <sup>***</sup> | 13,8±0,88 <sup>^^^</sup>    | 11,9±0,27 <sup>*^^^</sup>   | 8,5±0,22 <sup>***^^^</sup> |
| МЭ       | 13,4±0,35                | 6,8±0,89 <sup>***^^^</sup>  | 5,4±0,27 <sup>***^^^</sup>  | 5,2±0,22 <sup>***^^^</sup> |

Изоҳ: - \* - фарқлар даволашга нисбатан аҳамиятли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)  
^- фарқлар МАШга нисбатан аҳамиятли (^-P<0,05; ^^-P<0,01; ^^^-P<0,001)

Рухий-эмоционал таҳлилда мигреноз статус ( $P<0,01$ ), сурункали мигрен ( $P<0,001$ ) ва мигреноз инсульт ( $P<0,05$ ) билан оғриган беморларда бисопролол ва пароксетин фонида (2-кичик гурух) субклиник депрессиянинг; сурункали мигренли ( $P<0,05$ ) ва мигреноз энцефалопатияли беморларда ( $P<0,001$ ) хавотирнинг ўртacha даражаси сезиларли пасайишига эришилди. Цитиколин қўшилиши асосий гурухда ҳам психоэмоционал ўзгаришларнинг тикланиши ҳамда СКнинг юқори самарадорлиги исботланди (80 фоизгача).

Назоратдаги беморларда когнитив функцияларнинг динамик таҳлили Крепелин ҳисоблаш усули ва корректура синамалари бўйича 2-кичик гурухда

мигреноз инсултли ( $P<0,001$ ) ҳамда мигреноз энцефалопатияли ( $P<0,001$ ) беморларда хато камайишини, ўтказиш вақти анча қисқаришини кўрсатди. Бироқ хатоликлар сони йўл қўйиладиган меъёрдан статистик жиҳатдан устун бўлди. З-кичик гуруҳдаги асосий гуруҳнинг барча bemорларида хато сони камайиб текшириш вақти қисқарди.

М.П.Кононова усули бўйича З-кичик гуруҳда статистик жиҳатдан МАШ гуруҳидан фарқ қилмайдиган асосий гуруҳда диққатнинг тақсимланиши ва барқарорлигинининг сезиларли яхшиланиши кузатилди. Мигреноз статусли bemорларнинг 2-кичик гуруҳида қисқа вақт давом этувчи хотирани даволаш натижаси МАШ гуруҳи билан деярли бир хил натижани кўрсатди, яъни СК самарали деб баҳоланди ( $P<0,001$ ). Бироқ сурункали мигрен, мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияда натижалар МАШдаги каби салмоқли бўлмади. Бундан фарқли равишда З-кичик гуруҳдаги bemорларда нейропротектив даволашни давомли қўллаш натижасида қисқа муддатли хотиранинг яхшиланиши кузатилди. Худди шунга ўхшаш натижалар узоқ муддатли хотира ва маълумотларни қайта ишлаш тезлигини таҳлил қилиш динамикасида ҳам олинди.

Асосий гуруҳнинг 1-кичик гуруҳ bemорларида ўтказилган церебрал томирлар допплерография маълумотларида томирлардаги ўзгаришнинг ижобий динамикаси амалда кузатилмади. 2-кичик гуруҳда сурункали мигрен ва мигреноз статусда перфузиянинг яхшиланиши ҳамда томирларнинг спектрал кенгайиши қайд этилди, бироқ мигреноз энцефалопатия ва мигреноз инсультда натижалар қониқарсизлигича қолди. З-кичик гуруҳда сурункали мигрен, мигреноз статус ва мигреноз инсультда мия перфузияси тикланишининг СК самарали натижা берди (76,4 фоиз), бироқ мигреноз энцефалопатияда бу кўрсаткич 60 фоиздан ошмади. Томирлар гиптониясини даволаш жуда қийин кечди. СКнинг самарадорлиги мигреноз инсультда 40 фоиздан ва мигреноз энцефалопатияда 50 фоиздан ошмади.

Шундай қилиб мигреноз статус ва сурункли мигренда хуруж сони ва давомийлигини камайтириш, мигреноз пароксизмнинг ўткир ва сурункали томир асоратига ўтишининг олдини олиш учун СҚУОСИ ва  $\beta$ -блокатор дори воситаларини эрта буюриш мақсадга мувофиқдир. Мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатияда церебрал функцияларни тиклаш мақсадида нейропротектив дори воситалари (цитиколин 1 суткада 1000 мг)дан фойдаланиш зарур.

## ХУЛОСАЛАР

«Асоратланган мигрен ривожланишининг клиник-гемодинамик ва баъзи бир биокимёвий хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикаси масалаларини» мавзусида ўтказилган диссертцион тадқиқот иши асосида (DSc) куйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ауранинг мавжудлиги, давомий анамнез, тез-тез қайталанувчи ва давомли мигреноз хуруж, қисқа хуружсиз вақт оралиғи ҳам асоратли, ҳам асоратсиз мигрен шаклларида клиник кечиш ва рухий-эмоционал фонни

оғирлаштиради, бунда хуруж тезлиги ва давомийлиги билан томир асоратлари шаклланиши орасида бевосита ( $r=0,53$ ) ҳамда касаллик давомийлиги ва беморнинг ёши билан касалликнинг оғирлик даражаси орасида тескари корреляцион боғлиқлик ( $r=-0,32$ ) борлиги аниқланди, шунингдек улар хуруж давомида кузатиладиган ангиодистония (вазодилатация/вазоспазм) сабабли ўткир ва сурункали мия ишемиясини чақиравчи омил бўлиб хизмат қиласди.

2. Текширувлар мигрен билан оғриган беморларда бош оғриқ сони ( $r=0,57$ ), давомийлиги ( $r=0,47$ ), жадаллиги ( $r=0,53$ ) билан рухий-эмоционал бузилишларнинг ўртасида бевосита корреляцион алоқа мавжудлигини, ўз вақтида ушбу ўзгаришлар, миянинг диффуз заарланишини аниқлаб берувчи когнитив фалликни жадаллаштиради ҳамда кундалик фаоллик, ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини пасайтириб, касаллик кечишини оғирлаштиради, шунингдек, асоратсиз мигрендан фарқли неврологик етишмовчиликнинг тикланишини секинлаштиради.

3. Асоратланган мигрен шакллари ауранинг бор йўқлигидан катъий назар, когнитив дисфункциясининг ривожланишига сабаб бўлиб, дикқатнинг тақсимланиши (29,2 фоиз), бўлиниши (17,8 фоиз), ҳажми (18,9 фоиз), тарқоқлиги (30,5 фоиз), турғунлик даражаси (20 фоизгача)нинг пасайиши, қисқа муддатли хотиранинг бузилиши (2,1 баллгача), узоқ муддатли хотира барқарорлиги (75 дан 30 фоизгача) ҳамда ахборотни қайта тиклашнинг пасайиши (36,2 фоиз)га олиб келади. Бироқ бош миядаги “стратегик” ўчоқлар когнитив дисфункциянинг аниқ жойланишувини кўрсата олмайди, бу эса ўзгаришлар бош мия диффуз заарланишидан далолат беради.

4. Мигренда бош мия биоэлектрик фаолиятининг ўзгариши ўткир ва сурункали томир етишмовчилиги шаклланишида объектив индикатор бўлиб ҳисобланади: ЭЭГнинг III тури, *носинхрон ҳаракат*, ўртача ҳавфни ( $HRVD=3,0$ ); ЭЭГнинг IV тури, *бетартиб ҳаракат*, юқори ҳавфни ( $HRVD=5,0$ ); ЭЭГнинг V тури, *ўта бетартиб ҳаракат*, ўткир мия ишемиясининг жуда юқори ҳавфини белгилайди ( $HRVD=5,0+$ ). Бош мия биоэлектрик фаолиятидаги ЭЭГнинг IV ва V тури билан когнитив, клиник, неврологик ўзгаришлар орасида бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланди: мигреноз статусда енгил,  $r=0,28$ ; сурункали мигренда ўрта  $r=0,36$ ; мигреноз инсульт  $r=0,84$  ва мигреноз эгцефалопатияда кучли  $r=0,78$ .

5. Гемодинамик ўзгаришлар бош мия томирларида гурухлараро хусусиятларни аниқлади: мигреноз статусда ташки уйқу артерияси (ТУА) (86,1 фоиз) ва мия олд артерияси (МОА) (78,5 фоиз) ҳавзаларида тонус ошиши ва гиперперфузия белгилари; сурункали мигренда ОМА (42,7 фоиз) ва МОАда (37,8 фоиз) тонуснинг пасайиши ва гипоперфузия; мигреноз инсультда ОМАда тонус ва қон оқимининг пасайиши (51,0 фоиз) ҳамда томонларда оқим номутаносиблиги; мигреноз энцефалопатияда ТУА (85,9 фоиз) ва МОА (67,6 фоиз) тонусларининг пасайиши ва гипоперфузияси. Пурселотнинг чидамлилик индекси ( $<0,57$ ), Гослингнинг пульсативлиги ( $<1,05$ ), Овершут коэффициенти ( $KO<1,23$ ) пасайиши ҳамда веноз

дисциркуляциясининг мавжудлиги ўткир ва сурункали цереброваскуляр етишмовчилик борлигини олдиндан аниқлашга имкон берди.

6. Кечишининг клиник вариантига боғлиқ бўлмаган ҳолда мигреноз хуружлар томир компоненти мавжудлиги сабабли бош мияда якка ҳолда учрайдиган субкортикал энцефаломаляция ўчоқлари мигреноз статусга ( $P<0,01$ ), кўп сонли майда ва катта субкортикал ва перивентрикуляр ишемик ўчоқлар (1-3 мм) сурункали мигренга ( $P<0,01$ ); катта ҳажмдаги перифокал шиш билан намоён бўлувчи инфарктнинг лакунар ўчоқлари ( $>5$  мм) мигреноз инсултга ( $P<0,001$ ); субкортикал ва перивентрикуляр лейкоариз ўчоқлари мигреноз энцефалопатияли беморларга ( $P<0,001$ ) хос эди. Ўзгаришлар психоэмоционал ( $r=0,58$ ) вегетатив ( $r=0,43$ ), когнитив ўзгаришлар ( $r=0,53$ ) билан бевосита корреляцион боғлиқлиги аниқланди ва бош мия томир дегенерацияси сифатида шаклланиб мигрен фонида энцефалопатия ривожланишига сабаб бўлади.

7. ССКАР гени (T779C) rs1800857 (T779C) генетик полиморфизмида ТС ва СС генотипларининг тўпланиши ( $t=6.4$ ;  $p<0.005$  ва  $t=9.6$ ;  $p<0.005$ ), С аллелнинг ортиши ( $OR=6,16$ ;  $\chi^2=74,56$ ;  $p<0,001$ ); NOTCH3 гени G684A rs1043994 генетик полиморфизмида GA ва AA генотиплари ( $OR=10,503$ ;  $\chi^2=60,36$ ;  $p<0,00001$ ) ҳамда G аллелнинг кўпайиши ( $OR=3,002$ ;  $\chi^2=22,31$ ;  $p<0,00001$ ); MTHFR гени C677T генетик полиморфизмида СТ гетерозигот ( $OR=7,45$ ;  $p<0,0001$ ) ва ТТ гомозигот генотиплар ( $OR=37,18$ ;  $p<0,0001$ ) ҳамда Т аллел ташувчиларининг устунлиги ўзбек халқида мигрен ривожланиш хавфини оширади.

8. Генлар полиморфизмининг аурали ва аурасиз мигрендаги ассоциациялари аниқланди: ССКАР генининг СТ ва СС генотипи ( $p<0.0001$ ), аурали мигренда СС генотипи устунликка эга ( $OR=11,85$ ); NOTCH3 генининг А аллел ва GA генотипи; MTHFR генининг СТ ва ТТ генотиплари, гомозигот СС генотипининг устунлиги билан ( $OR=8,64$ ).

9. Гурухлараро таҳлил ССКАР гени (T779C) rs1800857 локус маркерлари бўйича С аллел, СТ ва СС генотипларининг ташувчиларида; MTHFR гени C677T локус маркерлари бўйича СТ ва СС генотиплар ҳамда Т аллел ташувчиларда; NOTCH3 генининг G684A rs1043994 локус маркерлари бўйича G аллел ва GA генотипи ташувчиларида мигренда томир асоратларининг ривожланиш эҳтимолини кучайтиради.

10. Жорий этилган қиёсий-ташхислаш (клиник, неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал, гемолинамиқ, молекуляр-генетик) мажмуа алгоритми мигреноз инсулт ва мигреноз энцефалопатиядек оғир кечувчи томирли асоратларни ўз вақтида ва эрта башоратлаш учун хизмат қиласи.

11. Мигреноз инсультдаги ўткир томир етишмаслиги базавий даволаш фонида НЯҚДВ ва ГКВни қўллаш йўқотилган неврологик, когнитив етишмасликнинг эрта тикланишига олиб келади ҳамда бош миянинг гемодинамик дисфункциясини яхшилайди, бу эса ёш, меҳнатга ярокли ёшдаги беморларнинг ногиронлик ҳолатини камайтиради.

12. Мигреноз статус ва сурункали мигренда ўткир, шунингдек сурункали томир асоратларининг олдини олиш ва хуруж сони, давомийлигини камайтириш мақсадида СҚУОСИ дори воситалари ва  $\beta$ -блокаторни эрта буюриш; томир асоратлари (мигреноз инсулт, мигреноз энцефалопатия)ни профилактик даволашда эса томир шикастланиши эвазига ривожланган бош мия метаболик ва дегенератив ўзгаришларини тиклаш мақсадида нейропротектив дори воситларини қўллаш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.12.2019. Tib.31.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**САНОЕВА МАТЛЮБА ЖАХОНКУЛОВНА**

**КЛИНИКО-ГЕМОДИНАМИЧЕСКИЕ И НЕКОТОРЫЕ  
БИОХИМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ОСЛОЖНЁННЫХ  
ФОРМ МИГРЕНИ, ВОПРОСЫ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕБНОЙ  
ТАКТИКИ**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.DSc/Мед. №234.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)), на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) и [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz).

**Научный консультант:** **Сайдвалиев Фаррух Сайдакромович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Маджидова Якутхон Набиевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Бобоев Абдуқодир Тўхтабоевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **University of Health Sciences, Istanbul, Turkey**

Защита диссертации состоится «      »        2020 г. в        часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268–17–44, e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирован за №      ). Адрес: 100007, г. Ташкент, улица Паркентская, дом 51. Тел./факс: (+99871) 268–17–44

Автореферат диссертации разослан «      »        2020 года.

(регистр протокола рассылки №       от        2020 года).

**Х.А. Акилов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
медицинских наук, доцент

**Б.Г. Гафуров**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению учёных  
степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации (DSc) доктора медицинских наук)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным ВОЗ «мигрень рассматривается как одна из двадцати ведущих причин, нарушающих социальную адаптацию человека и требующих комплексного подхода к лечению. Более 85% женщин и 82% мужчин, страдающие мигренью, отмечают, что мигрень снижает качество их жизни<sup>5</sup>». Мигрень занимает 19-е место по причине нетрудоспособности в мире и «включена в список десятка первых заболеваний, вызывающих выраженную нетрудоспособность у женщин», тогда как среди специфических причин она занимает 3-е место (14,4%) из 289 заболеваний. Она является одним из наиболее распространенных заболеваний в мире, с частотой встречаемости 13–15% или около 1 млрд. человек в общей популяции<sup>6</sup>, которая в Европе доходит до 13,8 %, в США 14%, в России 20,8% (более 29 млн) пациентов. По результатам оценки глобального бремени болезней от 2015 г. (Global Burden of Disease – GBD-2015) мигрень занимает 6-е место среди 10 ведущих медицинских причин по снижению качества жизни (КЖ) населения в мире, на 4-м месте по развитию ишемических инсультов. Всё сказанное определяет медико-социальную востребованность изучаемой проблемы.

Согласно данных Международного общества головных болей (ГБ) во всём мире среди молодёжи количество мигрени, являющейся первичной головной болью (ПГБ), за последние 10 лет сильно увеличилось. Ведутся ряд научных исследований по изучению клинико-патогенетических основ развития заболевания для повышения качества проводимой терапии. В частности, изучаются сосудистые осложнения мигрени с оценкой клинического течения неврологических, гемодинамических, нейрофизиологических, нейровизуализационных особенностей и молекулярно-генетических основ заболевания. Оптимизируются вопросы дифференциальной диагностики, алгоритмов лечения, а также на основании имеющегося целого арсенала диагностических мероприятий разрабатывается система прогнозирования сосудистых мозговых инфарктов при мигрени и их превентивная терапия, которые определяют значимость данного исследования.

Не мало работ проводятся по приоритетным направлениям и в нашей стране, наряду с широкомасштабными мерами, принимаемыми для улучшения системы здравоохранения и медицины, приближения ее к мировым стандартам. Особое внимание в нашей стране направлено на раннее выявление неврологических заболеваний, «...улучшение эффективности, качества и широкомасштабность медицинской помощи, формирование системы медицинского стандартизирования, широкое внедрение современных технологий в диагности-

<sup>5</sup> World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>, 2018.

<sup>6</sup> Global, regional, and national incidence, prevalence, and years lived with disability for 310 diseases and injuries, 1990–2015: a systematic analysis for the Global Burden of Disease Study 2015. Lancet 2016; 388: 1545–602. DOI: 10.1016/S0140-6736(16)31678-6; Tietjen GE, Collins SA. Hypercoagulability and migraine // Headache 2018; 58 (1): 173–83. <http://dx.doi.org/10.1111/head.13044>

ку и лечение, создание высококвалифицированных моделей патронажной службы и диспансеризации с повышением уровня здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»<sup>7</sup>. Подобные задачи служат улучшению и повышению уровня медицинской помощи в вопросах диагностики и лечебной тактики, а также, способствуют уменьшению инвалидности и смертности, по причине формирования сосудистых осложнённых форм мигрени.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач «...о мерах по совершенствованию специализированной медицинской помощи населению», предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годы», «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» №УП-5590, от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3494 «О мерах по ускоренному совершенствованию системы экстренной медицинской помощи» от 25 января 2018 года, №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан – VI «Медицина и фармакология».

#### **Обзор международных научных исследований по теме диссертации<sup>8</sup>.**

Научно-исследовательские работы, направленные на изучение клинико-нейрофизиологических, гемодинамических, молекулярно-генетических особенностей осложнённых форм мигрени, вопросы оптимизации диагностики и терапии осуществляются в ведущих научных центрах и международных университетах мира, в том числе в University of Toronto (Канада); Research Representative (UK); Schleswig-Holstein (Германия); Ohio State University (США); Harvard Medical School (США); Helsinki University (Финляндия); Nanjing University; University Cheng Kung; University Beijing; University Zunyi; Fudan University (Китай); University of Ulsan (Южная Корея); Aarhus University; University Innsbruck Austria (Австрия); All India Institute of Medical Sciences (Индия); Tehran University (Иран); Tel Aviv University (Израиль); Charite-Medical University of Berlin (Германия); Heidelberg University (Германия); University of Oxford (Англия); Hacettepe University (Турция); University of Basel (Швейцария); Loyola University (Chicago); University of Yonsei (Южная Корея); University of Guadalajara (Мексика); Complutense University Of

<sup>7</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

<sup>8</sup> Обзор международных научных исследований по теме диссертации даётся по: <http://www.cchp.ru/policlinika4651>, [www.xn80aoascaipeafmp.xn-p1ai](http://www.xn80aoascaipeafmp.xn-p1ai), [www.geront.kiev.ua](http://www.geront.kiev.ua), <http://www.neronsk.ru/cotacts.php>, [www.med-rf.ru](http://www.med-rf.ru), [www.ean.org](http://www.ean.org), [www.aan.com](http://www.aan.com), <https://www.wfneurology.org>, <http://www.thepi.org>, <https://eso-wso-conference.org>, <https://www.ehf2020.com>, <http://www.ihs-headache.org>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/>.

Madrid (Испания); Российском научно-исследовательском центре по головной боли (Россия) и Бухарский государственный медицинский институт.

При научном исследовании клинико-нейрофизиологических, гемодинамических, молекулярно-генетических особенностей осложнённых форм мигрени, вопросов диагностики и усовершенствования тактики лечения получены результаты. Так, реализован оперативный метод декомпрессии нервного корешка при мигренозном пароксизме, который показал высокую степень эффективности (94%), Ohio State University (США); обоснован гормональный дисбаланс между женщинами (17,6%) и мужчинами (6%), (International Health Society, США); обоснованы причины гипоксии мозга, с последующей ишемией на фоне мигрени University of Brescia (Италия); доказана роль применения контрацептивных препаратов у молодых женщин с мигренью с аурой в развитии инсульта, University of Trondheim, (Норвегия); доказан удвоенный риск ишемического инсульта, вызванного сгустком крови у больных с мигренью, University of Loyola (Чикаго); имеются исследования немедикаментозной терапии мигрени, основанной на изменение образа жизни, исключение стрессовых ситуаций, избегание приема продуктов-триггеров, University of Hebrew (Израиль); результаты эпидемиологического анализа доказали, что мигрень встречается чаще, чем некоторые тяжелые хронические заболевания, такие как сахарный диабет и бронхиальная астма, University of Basel (Швейцария); обоснована роль изучения генетики человека в качественном выборе патофизиологической терапии мигрени, University of Oxford (Великобритания); на основании полученных положительных результатов по генам SCN1A, SLC1A3 разработан патогенетический механизм лечения мигрени триптанами, в зависимости от наличия и стадии формирования приступов, University of Charite-Medical (Германия); доказана роль аномалии сосудов в развитии мигрени и неэффективность консервативной терапии подобных состояний, University of Yonsei (Южная Корея), изучена роль клинико-гемодинамических и некоторых биохимических особенностей при осложнённых формах мигрени, вопросы их диагностики и лечебной тактики, Бухарский государственный медицинский институт (Бухара).

На сегодняшний день общество неврологов мира особое внимание уделяет приоритетным направлениям по изучению клинико-патогенетических аспектов развития острой и хронической сосудистой ишемии мозга на фоне мигрени, в частности, клинико-неврологическим, нейровизуализационным, гемодинамическим, нейрофизиологическим, а также на примере полиморфизма генов ССКАР, NOTCH-3, MTHFR молекулярно-генетическим особенностям развития осложнённых форм мигрени, разработке системы прогнозирования острого и хронического сосудистого дефицита и вопросам оптимизации алгоритмов дифференцированной диагностики и терапии.

**Степень изученности проблемы.** В проблеме патогенеза наибольшее внимание учёных привлекает четко очерченная наследственная природа мигрени – развитие мигрени у детей по линии матери достигает до 72%, а по линии отца – 30%, если мигрень наблюдается у обоих родителей риск её разви-

